

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.26/30.12.2019.Т.11.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**МИРЗАЕВ БАХОДИР ҚЎЗИБОЕВИЧ**

**МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁЛАР АСОСИДАГИ КОМПЛЕКС ПОЛИМЕР-  
МИНЕРАЛ ҚЎШИМЧАЛАР ҚЎШИЛГАН КЕРАМЗИТБЕТОННИНГ  
СТРУКТУРАСИ ВА ХОССАЛАРИ**

**05.09.05 – Қурилиш материаллари ва буюмлари**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020 йил**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация  
автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора (PhD) философии по  
техническим наукам**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

**Мирзаев Баходир Қўзибоевич**

Маҳаллий хомашёлар асосидаги комплекс полимер-минерал қўшимчалар  
қўшилган керамзитбетоннинг структураси ва хоссалари.....5

**Мирзаев Баходир Қўзибоевич**

Структура и свойства керамзитобетона с комплексными полимер-  
минеральными добавками на местном сырье.....21

**Мирзаев Баходир Қўзибоевич**

Structure and properties of expanded clay concrete with complex polymer-mineral  
additives based on local raw materials.....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published

works.....43

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.26/30.12.2019.Т.11.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**МИРЗАЕВ БАХОДИР ҚЎЗИБОЕВИЧ**

**МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁЛАР АСОСИДАГИ КОМПЛЕКС ПОЛИМЕР-  
МИНЕРАЛ ҚЎШИМЧАЛАР ҚЎШИЛГАН КЕРАМЗИТБЕТОННИНГ  
СТРУКТУРАСИ ВА ХОССАЛАРИ**

**05.09.05 – Қурилиш материаллари ва буюмлари**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**

**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация  
комиссиясида В2019.З.PhD/Т1367 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент архитектура-қурилиш институтида бажарилган

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)), Илмий кенгашнинг веб-сайтисиди ([www.taqi.uz](http://www.taqi.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган

**Илмий раҳбар:**

**Самигов Нигматжан Абдурахимович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Хасанов Бахриддин Баратович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Турғунбоев Уринбек Жамолевич**  
техника фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Наманган муҳандислик-қурилиш институти.**

Диссертация ҳимояси Тошкент архитектура-қурилиш институти хузуридаги DSc.26/30.12.2019.Т.11.1 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «15» декабрь соат 10<sup>00</sup> да Архитектура факультетининг мажлислар залида бўлиб ўтади (Манзил: 100011, Тошкент ш., Абдулла Қодирий кўчаси, 7В-уй. Тел.: (99871) 241-10-84; факс: (99871) 241-80-00, e-mail: [devon@taqi.uz](mailto:devon@taqi.uz), [taqi\\_atm@edu.uz](mailto:taqi_atm@edu.uz)).

Диссертация билан Тошкент архитектура-қурилиш институти Ахборот-ресурс марказида таниши мумкин (№ 46-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100084, Тошкент ш., Кичик Халқа йўли кўчаси, 7-уй. Тел.: (+99871) 235-43-30; факс: (+99871) 234-15-11, e-mail: [taqi\\_atm@edu.uz](mailto:taqi_atm@edu.uz)).

Диссертация автореферати 2020 йил 30 ноябрь куни тарқатилди.

(2020 йил “14” ноябрдаги 10- рақамли реестр баённомаси).



**Х.А. Акрамов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси Уринбосари, т.ф.д., профессор

**Х.Х. Камиллов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

**С.А. Ходжаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

## КИРИШ (докторлик диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон қурилиш саноатини жадал ривожлантириш ва ёқилғи - энергия ташувчилар учун нархларнинг кўтарилиши қурилиш материаллари ва буюмларини ишлаб чиқаришда ресурс ва энергия тежамкор технологияларни яратиш ва амалга ошириш зарурлигига олиб келмоқда. Бу борада, жумладан қурилиш материаллари соҳасида янги турдаги экологик материаллардан фойдаланиш, энергия тежамкор технологияларни самарали қўллаш, янги қурилиш материаллари ва уларнинг мавжуд технологиясини такомиллаштириш ва бу орқали бетон ва бетон қоришмасининг физик-механик ва физик-кимёвий хоссаларини яхшилаш масалалари етакчи ўринни эгаллайди. Шу жиҳатдан бетон ва бетон қоришмасининг маҳаллий хомашё асосидаги кимёвий қўшимчачи таркиблари ва уларни ишлаб чиқаришнинг энергия тежамкор технологияларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда бетон, бетон қоришмаларини тайёрлаш ва ишлаб чиқаришда уларнинг хоссаларини яхшилашга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада жумладан, юқори сифатли енгил бетонларни ишлаб чиқариш учун енгил тўлдиргичларни танлаш, кимёвий ва минерал қўшимчалардан фойдаланиб қотаётган цемент тошида структура ҳосил бўлишини бошқариш, енгил бетонларнинг таркибини оптималлаштириш, тўлдирувчи ва минерал боғловчи орасидаги контакт зонасини яхшилаш, мустаҳкам структурасини шакллантиришга йўналтирилган кўплаб илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шунга боғлиқ равишда, енгил бетонларнинг физик-техник хоссаларини тадқиқ этиш, уларни ишлаб чиқаришда маҳаллий хомашё ва иккиламчи ресурслардан фойдаланиб минерал боғловчи сарфини камайтириш, энергия тежаш имконини берувчи технологиясини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республикамизда қурилиш индустриясини ривожлантириш, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни модернизациялаш, маҳаллий ва иккиламчи хомашёлардан қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда самарали фойдаланиш ва шу билан бирга ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш каби бир канча ишлар амалга оширилиб, муайян ютуқларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегиясида, жумладан, "...миллий иктисодиётни рақобатбардошлигини ошириш, иктисодиётда энергия ва материал сарфини камайтириш, ....ишлаб чиқаришга энергия тежамкор технологияларни кенг тадқиқ қилиш..."<sup>1</sup> вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни бажаришга, шу жумладан маҳаллий хомашёлар асосидаги полимер-минераллардан ишлаб чиқилган комплекс кимёвий қўшимчаларни енгил бетон ва темирбетон ишлаб чиқаришда фойдаланиб, сифатли конструкция ва буюмларни ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 майдаги

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони.

ПФ-5445-сон “Капитал қурилишда лойиха ва қурилиш ишларини амалга ошириш тартибини оптималлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони, 2019 йил 20 февралдаги ПҚ-2660-сон “Қурилиш материаллари саноатини тубдан такомиллаштириш ва комплекс ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 23 майдаги ПҚ-4335 сон “Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон амалиётида цемент бетонларини модификациялаш учун кимёвий қўшимчалардан фойдаланишнинг илмий асослари кўплаб чет эл давлатлари олимлари - Ю.М. Баженов, В.Г. Батраков, Л.И. Дворкин, Б.С. Изотов, В.И. Калашников, С.С. Каприелов, В.С. Рамачандран, В.С. Ратинов, В.В. Стольников, Б.Д. Тринкер, А.Б. Ушеров-Маршак, Н.А. Никифоров, Л.И. Касторных, Б.А. Усов, Л.А. Урханова, В.И. Лихотёко ва бошқаларнинг илмий асарларида шугуланиб. ушбу масалаларни ҳал қилишга катта ҳисса қўшганлар.

Республикада қурилиш материаллари соҳасидаги етакчи олимлари - Джалилов А.Т., Ашрабов А.Б., Қосимов Э.У., Самигов Н.А., Тохиров А.А., Тўлаганов А.А., Адилхўжаев А.И., Аскарлов Б.А., Акрамов Х.А., Ходжаев С.А., Аббасхонов Н., Каримов М.У., Сатторов З.М. ва бошқалар бу соҳада узок йиллар давомида кимёвий қўшимчалардан фойдаланиб бетонларнинг структураси ва хоссаларини яхшилаш масалаларини ўрганишда салмоқли ҳисса қўшдилар ва маълум ютуқлар ҳамда муҳим илмий натижаларга эришдилар.

Аввал ўтказилган тадқиқотлар таҳлили кимёвий қўшимчалар қўлланилган енгил бетон таркибларини ишлаб чиқиш, мустаҳкамлигини ошириш учун маҳаллий хомашёлар асосидаги комплекс кимёвий қўшимчалардан фойдаланиш орқали енгил бетон хоссаларини оптималлаштириш, енгил бетондан тайёрланган конструкцияга кетадиган сарф-харажатларни камайтиришга қаратилган масалалар етарли даражада ўрганилмаганлигини ва янада кенгрок тадқиқ қилишни талаб этаётганлигини кўрсатмоқда.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент архитектура-қурилиш институтининг ОТ-Атех-2018-63 “Маҳаллий хомашёлар асосида импорт ўрнини босувчи янги авлод полимер-минерал комплекс қўшимчали энергия ва ресурс тежамкор иссиқлик изоляцияси материаллари енгил ва ячейкали бетонлар технологиясини яратиш ва тадқиқ этиш” (2018-2020 й.й.) мавзуси бўйича олиб борилган амалий лойиха доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** маҳаллий хомашёлар асосидаги янги авлод комплекс полимер-минерал қўшимчалар билан модификацияланган керамзитбетоннинг хоссаларини ўрганиш ва энергия тежамкор технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

янги авлод комплекс кимёвий қўшимчалари билан модификацияланган керамзитбетон таркибини физик-кимёвий таҳлил қилиш;

янги авлод кимёвий қўшимчалар қўшилган керамзитбетон таркибини оптималлаштириш;

янги авлод комплекс кимёвий қўшимчалар билан модификацияланган керамзитбетоннинг физик-механик ва иссиқлик ўтказувчанлик хусусиятларини ўрганиш;

янги авлод комплекс кимёвий қўшимчалар билан модификацияланган керамзитбетон технологиясини ишлаб чиқаришга жорий қилиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида маҳаллий хомашёлар асосидаги комплекс полимер-минерал қўшимчалардан фойдаланиб тайёрланган керамзитбетонлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида маҳаллий хомашёлар асосидаги комплекс полимер-минерал қўшимчалардан фойдаланиб тайёрланган керамзитбетоннинг физик-механик, физик-кимёвий ва техник-иктисодий параметрлари ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари** тадқиқот жараёнида физик-кимёвий таҳлилнинг замонавий усуллари инфрақизил-спектроскопик, электрон микроскопик ва термогравиметрик таҳлиллари, керамзитбетонларнинг хоссалари ва сифат кўрсаткичларини ўрганишнинг стандартлаштирилган усуллари, тажриба натижаларини таҳлил қилишнинг математик моделлаштириш усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

янги авлод полимер-минерал комплекс қўшимчанинг таъсирини ҳисобга олган ҳолда керамзитбетон микроструктурасини шаклланиши асосланган;

керамзитбетон хоссаларига КДж-3 ва КДж-3МБ маркадаги комплекс кимёвий қўшимчаларнинг таъсир қилиш механизми аниқланган;

керамзитбетон мустаҳкамлигини комплекс кимёвий қўшимчалар миқдорига боғлиқлигини ифодаловчи математик модел ишлаб чиқилган;

КДж-3 маркадаги комплекс кимёвий қўшимчадан фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда керамзитбетон ишлаб чиқаришнинг энергия тежамкор технологияси такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

янги авлод комплекс кимёвий қўшимчалари қўшилган керамзитбетонларнинг энергия ва ресурс тежамкор самарали таркиблари ишлаб чиқилган;

комплекс кимёвий қўшимчалар қўшилган керамзитбетонларнинг янги технологияси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг натижаларининг ишончлилиги.** Олинган натижаларнинг ишончлилиги тадқиқотларни замонавий асбоблар ва стандарт усулларни қўлланилган ҳолда комплекс ўрганилиши, тажрибаларни қурилиши

меъёрлари ва қоидалари бўйича ўтказилиши, ўтказилган назарий ва экспериментал тадқиқот натижаларини юқори аниқликда мос келиши ҳамда уларни амалиётга жорий қилинганлиги билан таъминланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти полимер-минерал комплекс қўшимчалар асосидаги керамзитбетон бўйича илмий назариялар, уларнинг таркиби ва физик-механик ва физик-кимёвий хусусиятлари таҳлил қилишдан иборатдир.

Ишнинг амалий аҳамияти тадқиқот натижалари асосида комплекс кимёвий қўшимчалар билан модификацияланган керамзитбетоннинг технологияси ишлаб чиқилган ва ишлаб чиқаришга жорий қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Маҳалий хомашёлар асосидаги полимер-минерал комплекс қўшимчалар қўшилган керамзитбетоннинг таркибларини лойиҳалаш ва хоссаларини оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида;

ҚДж-3 комплекс кимёвий қўшимчаси билан модификация қилинган таркиблари деворбоп блоклар ишлаб чиқариш учун “Fergana vibropress tensil” МЧЖ қурилиш корхонасида жорий қилинган (“Ўзсаноат қурилиш материаллари” уюшмасининг 2020 йил 29 сентябрдаги №05/15-3064-сон маълумотномаси). Натижада керамзитбетон қоришмасининг сувга талабчанлигини 15-18% ва цемент сарфини 18-25% га камайтириш имконини берган;

ҚДж-3 комплекс кимёвий қўшимчасидан фойдаланиб ишлаб чиқилган таркиблари тўсувчи деворлар учун ариқча-тарокли деворбоп блоклар ишлаб чиқариш учун “Fergana vibropress tensil” МЧЖ қурилиш корхонасида жорий қилинган (“Ўзсаноат қурилиш материаллари” уюшмасининг 2020 йил 29 сентябрдаги № 05/15-3064-сон маълумотномаси). Натижада керамзитбетон тайёрлаш учун фойдаланиладиган цемент сарфини 25-30% га иқтисод қилиш имконини берган;

ҚДж-3 комплекс кимёвий қўшимчасидан фойдаланиб ишлаб чиқилган таркиблари шишатўр билан арматураланган қоплама плиталар ишлаб чиқаришда “Fergana vibropress tensil” МЧЖ қурилиш корхонасида жорий қилинган (“Ўзсаноат қурилиш материаллари” уюшмасининг 2020 йил 29 сентябрдаги № 05/15-3064-сон маълумотномаси). Натижада қалинлиги 12,5 мм бўлган қоплама плиталар ишлаб чиқариш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация мавзуси бўйича тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 2 та Республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама этилган.

**Тадқиқот натижаларининг элон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 5 та, шу жумладан 1 таси мақола хорижий журналда нашр қилинган.

**Диссертация таркиби ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, диссертациянинг ҳажми 115 бетни ташкил этди.



## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида бажарилган диссертация тадқиқотларининг долзарблиги асосланган, тадқиқотларнинг мақсад ва вазифалари ҳамда тадқиқот объекти ва предмети келтирилган, тадқиқотларнинг Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларга мос келиши кўрсатилган, тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти ифодаланган, тадқиқот ишлари натижаларининг ишлаб чиқаришга тадбиқ этилганлиги таъкидланган, тадқиқот ишлари натижаларининг апробацияси ҳақида маълумотлар ва диссертация мавзуси бўйича чоп этилган илмий мақолалар, шунингдек, диссертация структураси ва ҳажми тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Муаммонинг ўрганилганлик ҳолати ва масалани кўйилиши”** деб номланган биринчи бобида илмий муаммонинг замонавий ҳолатини аналитик шарҳлари келтирилган. Унда ғовақдор тўлдирувчилар асосида энергия тежамкор енгил бетонларни олиш усуллари, кимёвий қўшимчалар қўшилган бетоннинг нархи ва материаллар сарфини камайтириш, уларнинг физик-механик хоссаларини яхшилаш бўйича Республикамиз ва хорижий тадқиқотчилар томонидан олиб борилган илмий ишларнинг натижалари чоп этилган адабий манбъларни таҳлили ёритилган.

Диссертациянинг **“Қўлланиладиган материалларнинг хусусиятлари ва тадқиқот усуллари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ишида фойдаланилган цементлар, тўлдирувчилар, кимёвий қўшимчаларнинг тавсифлари ҳамда қўлланилган экспериментал тадқиқотларнинг усуллари келтирилган. Тадқиқотларда “Қувасойцемент” АЖ да ишлаб чиқарилган, ГОСТ 10178-85 талабларига жавоб берувчи ПЦ400 Д20 маркали портландцементдан, ғовақ тўлдирувчи сифатида Тошкент вилояти Бўстонлик туманида жойлашган «JUNIOR BUSINESS-TRADE» заводининг, ГОСТ 32496-13 ва ГОСТ 9758-86 талабларини қониқтирадиган, керамзит шағалидан фойдаланилди.

Тадқиқотларда “Ўзкимёсаноят” ДАК Тошкент кимё технология илмий-тадқиқот институтида акад. А.Т. Джалилов, к.ф.д. М.У. Каримовлар томонидан синтезлаштирилган, ГОСТ 30459-2008 талабларига жавоб берувчи КДж-3, КДж-3МБ комплекс кимёвий қўшимчалар қўлланилди.


Диссертация ишининг мақсади ва вазифаларидан келиб чикиб, тадқиқот методлари асосланган ҳолда танланди. Экспериментал тадқиқотларда стандартлаштирилган физик-кимёвий методлар билан бир қаторда физик-кимёвий таҳлил методларидан, хусусан, керамзитбетонларнинг структурасини ўрганишда ИҚ- спектроскопик, рентген фаза таҳлиллари, дифференциал термик таҳлиллар ва электрон-микроскопик таҳлилдан фойдаланилди. Бундан ташқари, тадқиқот ишларида керамзитбетон таркибларини мақбуллаштириш учун экспериментларни режалаштиришнинг математик методидан ҳам фойдаланилди.

Диссертациянинг учинчи **“Комплекс кимёвий қўшимчалар билан керамзитбетонни модификациялаш”** бобида комплекс кимёвий қўшимчалар билан керамзитбетон таркибини модификациялашнинг илмий

асослари, комплекс кимёвий қўшимчани синтези, керамзитбетон таркибини танлаш, комплекс кимёвий модификацияланган керамзитбетон таркибини танлашнинг математик модели, керамзитбетон қоришмасининг реологик хоссаларига комплекс кимёвий қўшимчаларни таъсири, комплекс кимёвий қўшимчалар қўшилган керамзитбетон таркибини оптималлаштириш бўйича бажарилган экспериментал тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.

Тадқиқотларимизда маҳаллий ҳом ашёлар асосида олинган КДж-3 комплекс кимёвий қўшимчасидан фойдаланилди. Ароматик тизимларни ўз ичига олмайдиган қўшимчалар, аксарият ҳолларда, нисбатан паст пластиклаштириш хусусиятига эга. Шу сабабли уни синтез қилишда молекуласида -  $\text{SO}_3\text{H}$ ,  $-\text{NH}_2$ ,  $-\text{COOH}$ ,  $-\text{OH}$  ва бошқа функционал гуруҳлар мавжуд бўлган гидролизланган полиакрилонитрил, натрий сульфит ва формалин ишлатилди. Қўшимча таркибидаги функционал гуруҳлар мавжудлиги муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар қўшимчани сувда эрувчанлигини таъминлайди ҳамда адсорбция пайтида сирт билан таъсирланувчанлигини оширади.

КДж-3 комплекс қўшимчасини олиш жараёнида ҳарорат алоҳида рол ўйнайди. Шу сабабли, тўртта таркибли комплекс қўшимчанинг ҳосил бўлиш жараёнига (полиакрилонитрил: натрий сульфит: формалин) ҳароратни таъсири ўрганилди. Қуйидаги 1-расмда КДж-3 комплекс қўшимчанинг ҳосил бўлиш реакциясига ҳароратига боғлиқлиги кўрсатилган.



1 – расм. КДж-3 комплекс қўшимчасининг ҳосил бўлиш миқдорининг ҳароратга боғлиқлиги.

Гидролизланган полиакрилонитрил, сульфит натрия ва формалиннинг молякуляр нисбати 1-1:1:1; 2-1:1:2; 3-1:2:1; 4-2:1:1. 1-расмдан кўриниб турибдики, КДж-3 комплекс қўшимчасини олишда таркибий қисмларнинг оптимал нисбати 1: 1: 1 бўлиб, энг макбул ҳарорат эса 90 °C дир. Бундай шароитда комплекс қўшимчанинг чиқиши 95% ни ташкил қилади. Энг юқори миқдор дастлабки маҳсулотларнинг нисбати 2: 1: 1 ва 1: 2: 1 бўлганида олинади, аммо ҳосил бўлган комплекс қўшимчаларнинг пластиклаштириш самараси (ёки сифати) паст бўлади. Шундан келиб чиққан ҳолда КДж-3 комплекс қўшимчасини олиш учун оптимал ҳарорат 90°C танланди.

Портландцемент, керамзит куми ва керамзит шағалининг миқдорларини керамзитбетон мустаҳкамлигига таъсири математик режалаштириш усули билан ўрганилди. Тадқиқотда Бокса-Бенкиннинг иккинчи даражали уч факторли режасидан фойдаланилди ва учинчи даражали регрессия тенгламаси топилди.

Қуйидаги факторлар ўзгартириб турилди:

$X_1$  -  $1\text{ м}^3$  бетон қоришмасига сарфланган портландцемент миқдори, кг;

$X_2$  -  $1\text{ м}^3$  бетон қоришмасига сарфланган керамзит миқдори, кг;

$X_3$  -  $1\text{ м}^3$  бетон қоришмасига сарфланган керамзит куми миқдори, кг;

Факторларни ўзгариш чегаралари I-жадвалда келтирилган

I-жадвал

Факторларни ўзгариш чегаралари

Факторлар	Ўзгаришчегаралари			Ўзгартириш интервали
	+1	0	-1	
$X_1$	375	325	275	50
$X_2$	450	375	300	75
$X_3$	500	450	400	50

Оптималлаштириш жараёни қуйидаги тенглама сифатида ифодаланилади:

$$Y = a_0 + a_1x_1 + a_2x_2 + a_3x_3 - a_{1,2}x_1x_2 + a_{1,3}x_1x_3 + a_{2,3}x_2x_3 + a_{1,2,3}x_1x_2x_3 + a_{1,1}x_1^2 + a_{2,2}x_2^2 - a_{3,3}x_3^2 \quad (1.)$$

Оптималлаштириш экспериментни тўла факторли ортогональ режа бўйича бажарилгани сабабли, таҳлил қилинаётган факторларни керамзитбетоннинг мустаҳкамлигига таъсири иккинчи даражали полином кўринишида тасаввур қилиш мумкин.

Керамзитбетон мустаҳкамлигининг модели қуйидагича бўлади:

$$Y = 8,6 - 0,45X_1 + 0,52X_2 + 0,49X_3 - 0,61X_1^2 - 0,63X_1X_2 - 0,12X_1X_3 - 0,31X_2^2 + 0,15X_2X_3 + 0,5X_3^2 \quad (2)$$

бу ерда,  $Y = R_{28 \text{ сут}}$  – бетон қоришмаларининг 28 кун котгандан кейинги сиқилишдаги мустаҳкамлик чегараси, МПа.

Тенгламадан талаб қилинадиган мустаҳкамликка қабул қилинган факторларни кенг миқёсда ўзгартириш орқали эришиш мумкинлигини кўриш мумкин.

Олинган қонуниятлар асосида, оптимал таркиб ва хоссали қоришма олиш учун минимал миқдорда цемент сарфланадиган модель яратилди. Ўтказилган тадқиқотлар натижасида синфи В10 бўлган  $1\text{ м}^3$  керамзитбетон учун 353 кг портландцемент, 407 кг 0-5 мм фракциядаги керамзит куми ва 446 кг 5-10 мм фракцияли керамзит шағали, бетон қоришмасига сарфланиши мумкинлигини кўрсатди.

Маълумки, суперпластикаторлар цемент системаларининг сувга бўлган талабчанлигини камайтириши ҳамда бетон қоримасининг мустаҳкамлигини ошириши керак. Комплекс кимёвий қўшимчаларни портландцемент ва у асосда тайёрланган керамзитбетоннинг сувга талабчанлиги ва қотиш кинетикасига таъсирини ўрганиш мақсадида назарий ва амалий тадқиқотлар ўтказилди.

КДж-3 ва КДж-3МБ маркадаги комплекс кимёвий қўшимчаларни “Қувасойцемент” АЖ томонидан ишлаб чиқарилган портландцементнинг сувга талабчанлиги таъсири текширилди. Тадқиқот натижалари 2-жадвалда берилган. КДж-3МБ қўшимчаси 5% гача қўшилганда цемент хамирининг нормал қуйиқлиги ўзгармади. Шу сабабдан, унинг 10% микдордаги сувга талабчанлиги ўрганилди.

2-жадвал

Комплекс кимёвий қўшимчаларни цементнинг сув талабчанлигига таъсири

Қўшимча маркаси	Цемент хамирининг сувга талабчанлигини камайиши, %					
	Қўшимчани микдори, цемент массасига нисбатан %да					
	0,2	0,3	0,6	0,9	1,2	1,5
КДж-3	10,0	18,5	25,0	28,5	30,0	31,0
КДж-3МБ	Қўшимчани микдори, цемент массасига нисбатан %да					
	1	3	6	9	12	15
	5,0	12,5	21,3	25,1	26,9	28,7


2-жадвалда келтирилган натижалардан кўриниб турибдики, иккала кимёвий қўшимчалар ҳам цемент хамирининг сув талабчанлигини камайиштиришга имкон беради. Бунда КДж-3нинг таъсири КДж-3МБ қўшимчасидан бирмунча юқори кўрсаткичга эга. Шу билан бирга, КДж-3 нинг кимёвий қўшимчалар микдорининг 1% дан ошиши иқтисодий жиҳатдан самарасиз ҳисобланиб, конструкцияни таннархини ошишига олиб келиши мумкин.

ТАҚИ ва ФарПиларнинг “Қурилиш материаллари” лабораториясида комплекс полимер-минерал қўшимчалар қўшилган керамзитбетонлар таркибларини ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижалари маҳаллий хомашёлар асосида комплекс полимер – минераллардан олинган КДж-3 ва КДж-3МБ маркалардаги қўшимчалар энг яхши эксплуатацион хоссаларга эга эканлигини кўрсатди.

Ўтказилган тадқиқотларнинг таҳлиллари комплекс кимёвий қўшимчалар билан модификацияланган керамзитбетоннинг мустаҳкамлиги барча қотиш муддатларида, назорат таркибларига нисбатан ошганлиги, сувга талабчанлиги эса камайганлиги кўрсатди. Бунда 1,0% ли КДж-3 қўшимчали керамзитбетоннинг мустаҳкамлиги 0,6, 2,0% ли КДж-3 комплекс кимёвий қўшимчали керамзитбетонларниқига қараганда сезиларли даражада юқори эканлиги аниқланди.

В10 синфли керамзитбетоннинг мустаҳкамлигининг КДж-3 ва КДж-3 МБ комплекс кимёвий қўшимчаларини миқдорига боғлиқлиги.

т/р	Цемент массасига нисбатан КДж-3,%	Керамзитбетоннинг сиқилишдаги мустаҳкамлик, (МПа)				
		Кунлар				
		1	3	7	14	28
1	Қўшимчасиз назорат намунаси	6,1	8,6	9,8	11,3	12,5
2	0,6	6,2	10,9	16,4	18,1	18,3
3	1,0	6,5	12,8	18,4	20,7	20,9
4	2,0	6,3	11,1	16,8	18,5	18,9
6	КДж-3МБ, 10 %	7,2	10,8	17,1	18,9	20



2 – расм. Керамзитбетоннинг сиқилишдаги мустаҳкамлигига КДж-3 ва КДж-3МБ комплекс кимёвий қўшимчаларини таъсири.


КДж-3МБ комплекс кимёвий қўшимчаси, керамзитбетон қоришмаси қотишини 7 кунгача муддатда секинлашганини кўриш мумкин. Ушбу ҳолатни керамзитбетон қоришмасига қўшилган КДж-3МБ комплекс кимёвий қўшимчаси миқдорини кўплиги билан изохлаш мумкин. Белгиланган миқдордан кам қўшилганда, қоришма қуюқлашиб, сувга талабчанлиги ошиши кузатилди.

Диссертациянинг тўртинчи “Комплекс кимёвий қўшимчалар билан модификацияланган керамзитбетоннинг асосий хусусиятлари” бобида комплекс кимёвий қўшимча КДж-3 билан модификацияланган керамзитбетон таркибини физик-кимёвий таҳлили, термогравиметрик таҳлил, электрон микроскоп (ЭМ) анализ таҳлили, керамзитбетоннинг иссиқлик ўтказувчанлиги, ғовак тўлдирувчининг иссиқлик ўтказувчанлиги, ғовак тўлдирувчининг иссиқлик ўтказувчанлиги ва ғовак структураси ўртасидаги

боғлиқлик, керамзитбетоннинг иссиқлик ўтказувчанлигига комплекс кимёвий қўшимча КДж-3ни таъсири, керамзитбетоннинг совуқка чидамлилиқ таъсирини аниқлаш бўйича бажарилган экспериментал-ҳисобий тадқиқот ишларининг натижалари келтирилган.

Физик-кимёвий таҳлил усуллари комплекс кимёвий қўшимчалар таъсирида керамзитбетоннинг микроструктурасини ва унинг ўзгариш жараёнларини, масалан, гидратация, кристалланиш ва бошқаларни ўрганишга имкон беради. Керамзитбетонни тузилишини ўрганиш учун инфрақизил спектроскопия, рентген фаза таҳлиллари термогравиметрик таҳлил ва электрон микроскопия усулларидан фойдаланилди.


Қўшимчасиз керамзитбетон динамик термогравиметрик анализ эгри чизиги (ДТГА) (2-эгри чизик) таҳлили шуни кўрсатадики, ДТГА эгри чизигида куйидаги эндозффеқтлар кузатилган: 1. 100-200 °С интервалидаги эндозффеқтлар асосан гидратация жараёнига иштирок этмаган эркин сув ва кимёвий боғланган сувнинг ажралишини кўрсатади. 2. 750-850 °С интервалидаги эндозффеқтлар асосан цемент гидратациясида ҳосил бўлган минералларнинг парчаланашини кўрсатади. Қўшимчасиз керамзитбетон динамик термогравиметрик анализ таҳлиллар шуни кўрсатадики, 1-парчаланадиган ораликда интенсив парчланиш жараёни содир бўлади. Бу жараён давомида умумий масса йўқотилиши 3,387% ни ташкил этади. Қўшимчасиз керамзитбетон термогравиметрик таҳлили 3-расмда келтирилган.



3- расм. Қўшимчасиз керамзитбетон термогравиметрик таҳлили.


1-Харорат эгри чизиги; 2- динамик термогравиметрик таҳлил эгри чизиги (ДТГА); 3- динамик термогравиметрик таҳлил эгри чизиги. (ДТГП); 4- дифференциал термик таҳлил эгри чизиги (ДТТ):

КДж-3 қўшимчаси 1,0% қўшилган керамзитбетон динамик термогравиметрик анализ эгри чизиги ДТГА эгри чизигида куйидаги эндозффеқтлар кузатилган: 100-200 С интервалидаги эндозффеқтлар асосан гидратация жараёнига иштирок этмаган эркин сув ва кимёвий боғланган сувнинг ажралишини кўрсатади. КДж-3 қўшимчаси 1,0% қўшилган керамзитбетон динамик термогравиметрик анализ таҳлиллар шуни кўрсатадики, 1-парчаланадиган ораликда интенсив парчланиш жараёни содир бўлади. Бу жараён давомида умумий масса йўқотилиши 3,370% ни ташкил этади Комплекс кимёвий қўшимча КДж-3 1,0% қўшилган керамзитбетон термогравиметрик таҳлили 4-расмда келтирилган.




4-расм. Комплекс кимёвий кўшимча КДж-3 1,0 % керамзитбетон термогравиметрик тахлили.

1-Харорат эгри чизиғи; 2- динамик термогравиметрик тахлил эгри чизиғи (ДТГА); 3- динамик термогравиметрик тахлил эгри чизиғи. (ДТГП); 4- дифференциал термик тахлил эгри чизиғи (ДТТ):



а)Кўшимчасиз керамзитбетон намунасини электрон микроскопик тасвирлари;



б) КДж-3 цемент массасига нисбатан 1,0% кўшилган керамзитбетон намунасини электрон микроскопик тасвирлари;

5-расм. Керамзитбетон намунасини электрон микроскопик тасвирлари.

Игнасимон эттрингит кристаллари неоплазмаларнинг асосий гелсимон массасида кузатилиб, эркин бўшлиқларни тўлдиради. Эттрингитнинг ўсиши эркин ҳажмда ҳосил бўлади. Олинган комплекс қўшимча КДж-3 қўшилган цемент тош намуналарининг электрон микрофотографларида гипс ва калций гидросулфоалюминати билан ҳам ғовакларни тўлдириши кузатилади. Бундан ташқари комплекс қўшимчалар қўшилганда гидросулфоалюминат микдори устун бўлади. Калций гидросулфоалюминат концентрациясининг ошиши ва цемент тошининг умумий тузилишида ҳам, фазовий скелетнинг нуксонли жойларида ҳам гидрат фазаларининг ўзига хос юзасининг ортиши материалнинг қотишига олиб келади. Қотишининг дастлабки босқичларида портландцементли композициялар структурасини ихчамлаштириш ва мустаҳкамлаш комплекс қўшимчалар қўшилганда гипс ва калций гидросулфоалюминатнинг ҳам ҳажми ортиб кристалланади.

Энергия самарадор бинолар барпо этишда керамзитбетоннинг асосий хусусияти унинг зичлиги кичиклиги ва кам иссиқлик ўтказувчанлиги ҳисобланади. Шу билан бирга у зилзилабардош биноларни қуришда фойдаланиладиган конструкциялар учун муҳим бўлган юқори мустаҳкамлик ва умрбоқийлик таъминланиши керак. Бундай хусусиятга эга бўлган керамзитбетон олишнинг энг самарали усули уни комплекс кимёвий қўшимчалар билан модификациялашдир. Мазкур қўшимчалар бетон ғовакчилигини оширишга ҳамда ғовак структурасини яхшилашга имкон яратади.

Комплекс кимёвий қўшимчаларнинг керамзитбетоннинг ғовак структураси параметрлари ва иссиқлик ўтказувчанлигига таъсирини аниқлаш учун 10x10x10 см ва 15x15x2,0 см ўлчамлардаги намуналар тайёрланган.

Намуналар 28 кун нормал шароитда қотгандан сўнг, уларнинг ғовак структураси параметрлари (умумий  $P_{\text{ум}}$ , очик  $P_{\text{оч}}$ , берк  $P_{\text{б}}$  ғовакдорликлар, ғоваклар ўртача ўлчамлари  $\lambda$  ва ўртача ўлчамлари бўйича бир хиллик кўрсаткичлари  $\alpha$ ), сув шимувчанлиги ( $W$ ), ўртача зичлиги ( $\rho$ ) конструктив сифат кўрсаткичлари (КСК) аниқланди. 15x15x2,0 см ўлчамлардаги намуналар «ИТС-1» марказида қурилмада синалиб иссиқлик ўтказувчанлик коэффициентлари ( $\lambda$ ) аниқланди. Синов натижалари ва улар асосида қурилган графиклар 4-жадвал ва 6,7-расмларда берилган.


4-жадвал

Керамзитбетон намуналарининг ғовак структураси параметрлари ва иссиқлик ўтказувчанлик коэффициентлари


КДж-3, %	$\rho$ , кг/м <sup>3</sup>	КСК, МПа/ (кг/м <sup>3</sup> )	W, %	$\lambda$ , Вт/(м К)	Ғовак структураси параметрлари				
					$P_{\text{ум}}$ , %	$P_{\text{оч}}$ , %	$P_{\text{б}}$ , %	$\lambda$	$\alpha$
0	1,21	0,0125	10,0	0.1850	40,4	10,0	30,4	1,8	0,02
0,6	1,19	0,0183	9,8	0.1764	41,4	9,8	32,2	1,75	0,08
1,0	1,15	0,0209	10,1	0.1630	43,3	10,1	33,2	2,45	0,05
2,0	1,15	0,0189	11,8	0.1707	43,3	11,8	31,5	2,95	0,12
КДж-3 МБ, 10%	1,18	0,0166	11,1	0.1752	41,9	11,1	30,8	2,00	0,24



6,7-расмларда тасвирланган эгри чизиклар ва 4-жадвалда берилган маълумотлар керамзитбетоннинг иссиқлик ўтказувчанлиги қийматларининг ўзгариши комплекс кимёвий қўшимчага боғлиқлигидан далолат беради.



6-расм. Керамзитбетоннинг конструктив сифат коэффиценти (КСК)га КДж-3 қўшимчасини таъсири.



7-расм. Керамзитбетоннинг иссиқлик ўтказувчанлик коэффицент ( $\lambda$ )га КДж-3 қўшимчасини таъсири.

Ушбу боғлиқлик қўшимчани миқдорига билвосита боғлиқ бўлиб, унинг миқдорини ошири керамзитбетоннинг зичлигини камайтириш ва ғовак структурасини яхшилаш орқали керамзитбетоннинг иссиқлик ўтказувчанлиги пасайишига имкон яратади.

Қурилиш материаллари, шу жумладан цемент бетонларининг сифатини белгилайдиган кўрсаткичлар орасида уларнинг совуққа чидамлилиги алоҳида аҳамиятга эга.

Тадқиқотларимиз қўшимчасиз ва КДж-3 қўшимчаси 0,6; 1,0 ва 2,0 %, ҳамда КДж-3МБ 10% қўшилган 10x10x10см керамзитбетон намуналарининг

совуқка чидамлилиги аниқлаш бўйича олиб борилди.

5– жадвал

Комплекс кимёвий қўшимчали керамзитбетон намуналарини совуқка чидамликка синаш натижалари

Тарки б рақам и	КДж-3 %	Керамзитбетон намуналарининг хусусиятлари				Совуқка чидамлил ик
		Синашдан кейинги ўртача мустаҳкамл ик	Синашдан аввалги ўртача мустаҳкамл ик	Музлатиш ва эритишдаги йўқотиш,%		
				Масс а	Мустаҳкамл ик	
1	-	12.1	12.8	0,56	5,4	F <sub>1</sub> 100
2	0.6	18.4	18.9	0.29	2,6	F <sub>1</sub> 100
3	1.0	20,7	21,2	0,22	2,5	F <sub>1</sub> 100
4	2.0	20.7	21,2	0.16	2,2	F <sub>1</sub> 100
5	КДж-3 МБ,10 %	20,0	20.5	0.25	2,3	F <sub>1</sub> 100

5-жадвал маълумотларидан 30 марта музлатиш ва эритиш циклларига барча таркибдаги керамзитбетон намуналари яхши бардош берганликлари кўриниб турибди. Синов жараёнидаги намуналарнинг массаси ва мустаҳкамлигини пасайиши ГОСТ 10060-2012 «Бетоны. Методы определения морозостойкости»нинг меъёр талабларига тўлиқ жавоб беради ҳамда совуқка чидамлик бўйича F<sub>1</sub>100 маркага мос келади.

Диссертациянинг бешинчи “Янги авлод комплекс кимёвий қўшимчалар билан модификацияланган керамзитбетоннинг тажриба-ишлаб чиқариш тадбири ва уни қўллашнинг техник-иктисодий самарадорлиги” ботида комплекс кимёвий қўшимчалар модификацияланган керамзитбетонни тажрибавий ишлаб чиқаришга жорий этиш, таклиф қилинаётган комплекс кимёвий қўшимча КДж-3 билан модификацияланган керамзитбетонни қўллашнинг техник-иктисодий самарадорлиги натижалари келтирилган.

«Fergana vibropress tensil» МЧЖда В10 синфли керамзитбетон ишлаб чиқариш учун КДж-3 комплекс кимёвий қўшимча қўшиш билан керамзитбетоннинг таркиби ишлаб чиқилди. КДж-3 комплекс кимёвий қўшимчасини қўллаш цемент сарфини 18-25% га қисқартириш имконини берди. Завод шароитларида керамзитбетонни ишлаб чиқаришда қўлланадиган материалларнинг таркиби ва бу материалларнинг таннархларини ҳисоблаш натижалари 6-жадвалда келтирилган бўлса, тадбир этишга таклиф этилаётган керамзитбетониники эса 7-жадвалда келтирилган.

6-жадвал

В10 синфли 1 м<sup>3</sup> керамзитбетонга завод шароитларида қўлланадиган материалларнинг сарфи ва таннархлари

Материалларнинг номи	Ўл. бирл.	1 м <sup>3</sup> га ишлатиладиган меъёрий сарф	Нархи (ҚҚС), сўм.	Баҳоси, сўм.
Цемент ПЦ 400 Д20	т	0,322	790	254380
Керамзит кум фр. 0-5	т	0,456	230	104 880
Керамзит фр. 5-10	т	0,373	296	110 408
КДж-3 комплекс кимёвий қўшимча	кг	-	-	-
Жами:				469668

7-жадвал

Тадбиқ этилишга таклиф этилаётган В10 синфли 1 м<sup>3</sup> керамзитбетонга қўлланадиган метериалларнинг сарфи ва таннархи

Материалларнинг номи	Ўл. бирл.	1 м <sup>3</sup> га ишлатиладиган меъёрий сарф	Нархи (ҚҚС), сўм.	Баҳоси, сўм.
Цемент ПЦ 400 Д20	т	0,264	790	208560
Керамзит кум фр. 0-5	т	0,456	230	104 880
Керамзит фр. 5-10	т	0,373	296	110 408
КДж-3 комплекс кимёвий қўшимча	кг	2,6	12000	31 200
Жами:				455 048

6 ва 7-жадваллардаги маълумотларга кўра, цемент сарфини камайтириш эвазига 1 м<sup>3</sup> керамзитбетон бўйича эришилган иктисодий самара 14 620 сўмни ташкил этди.

КДж-3 комплекс кимёвий қўшимча ишлаб чиқариш текширувдан муваффақиятли ўтди. Керамзитбетоннинг умрбоқийлигини ошириш учун комплекс кимёвий қўшимчаларни қўллаш мақсадга мувофиқдир.

## ХУЛОСА

1. Эластиклик модули, зичлиги, мустаҳкамлиги ва бошқа хусусиятларнинг баҳолаш учун ишлаб чиқилган математик моделлар асосан пластификаторлар билан модификацияланмаган бетон қоришмаларига тегишли бўлиб, энгил тўлдирувчилар асосида олинган юқори сурилувчан бетон қоришмалари хусусиятларини баҳолашда қўллаб бўлмайди. Бетон ва

бетон коришмасининг сифатини яхшилаш, уларга ўзига хос хусусиятлар бериш, қурилиш жараёнининг нархини камайтириш мақсадида турли хил маҳаллий хомашёлар асосида синтез килинган комплекс кимёвий кўшимчалардан фойдаланилади.

2. Материалларнинг хусусиятларини ўрганишнинг стандарт усуллари ёрдамида тизимни тадқиқ қилиш, кўшимчалар билан модификацияланган керамзитбетонни ҳақиқий хусусиятларини топиш имконини берди. Комплекс кўшимчалар билан модификацияланган цемент композициялари ва керамзитбетонни кимёвий таркиби ҳамда тузилиш структурасини тадқиқ қилишда дифференциал-термик, инфракизил-спектроскопик ва электрон микроскопик сингари замонавий усуллардан фойдаланилди.

3. КДж-3 комплекс кимёвий кўшимчасини олишда таркибий қисмларнинг оптимал нисбати 1:1:1 (полиакрилонитрил: натрий сульфит: формалин) бўлиб, энг макбул ҳарорат эса 90°C дир. Бундай шароитда комплекс кўшимчанинг чиқиши 95% ни ташкил қилади.

4. КДж-3 комплекс кимёвий кўшимчаси цемент хамирининг қуюқланиш жараёнининг бошланишида унинг давомийлигини бирмунча кискартириб, сувга талабчанлигини 15-20% га камайиштириши аниқланди.

5. Керамзитбетоннинг физик-механик хоссаларига кўрсатиладиган энг яхши КДж-3 комплекс кимёвий кўшимчасини портландцемент массасига нисбатан 1,0% миқдорда кўшишга эришилди.

6. Цементли композициялар ва физик-кимёвий анализ усулларининг ҳосил бўлиш структурасини ўрганишда олинган комплекс кўшимчалар оз миқдорда кўшилганда бетон маҳсулотларининг мустаҳкамлиги ва мустаҳкамлигини таъминловчи цемент композицияларида минераллар ҳосил бўлиши аниқланди.

7. Енгил бетоннинг иссиқлик ўтказувчанлиги ғовак тўлдирувчи турига, енгил бетоннинг ғоваклилигига, бетоннинг қатламлари бўйича иссиқлик окимининг йўналишига, иссиқлик узатиладиган вақтдаги ўртача ҳароратга, бетоннинг ўртача зичлиги ва намлигига боғлиқ. Майда, берк ва бир хил ўлчамдаги ғовақлар материалнинг иссиқлик ўтказувчанлигининг пасайишига ва иссиқдан химоялаш хусусиятларининг ошишига олиб келади.

8. «Fergana vibropress tensil» МЧЖ ҚҚда КДж-3 комплекс кўшимчаси темирбетон буюмларини ишлаб чиқариш соҳасида уларни юқори мустаҳкамликка эга бўлган ҳолатда тайёрлашда боғловчини тежаш имконини берувчи керамзитбетоннинг таркиби ишлаб чиқилди. Шу билан бирга, кўшимчаларсиз керамзитбетон ишлаб чиқариш билан солиштирганда цемент тежалиши 18,01% (14 620 сўм/м<sup>3</sup>)ни ташкил этди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.26/30.12.2019. Т. 11.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ АРХИТЕКТУРНО-  
СТРОИТЕЛЬНОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ АРХИТЕКТУРНО-СТРОИТЕЛЬНЫЙ ИНСТИТУТ**

**МИРЗАЕВ БАХОДИР КУЗИБОВЕВИЧ**

**СТРУКТУРА И СВОЙСТВА КЕРАМЗИТОБЕТОНА С  
КОМПЛЕКСНЫМИ ПОЛИМЕР-МИНЕРАЛЬНЫМИ ДОБАВКАМИ  
НА МЕСТНОМ СЫРЬЕ**

**05.09.05 – Строительные материалы и изделия**

**АВТОРЕФЕРАТ**  
диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам

Ташкент-2020 год

**Тема диссертации на соискание ученой степени доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2019.3.PhD/T1367**

Диссертация выполнена в Ташкентском архитектурно-строительном институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице ([www.taqi.uz](http://www.taqi.uz)) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный руководитель:** **Самигов Нигматджан Абдурахимович**  
доктор технических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Хасанов Бахридин Баратович**  
доктор технических наук, профессор

**Турғунбоев Уринбек Жамолович**  
кандидат технических наук, доцент

**Ведущая организация:** **Наманганский инженерно-строительный институт**

Защита диссертации состоится «15» декабря 2020 года в 10<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc 26/30.12.2019.Т.11.01 при Ташкентском архитектурно-строительном институте, (Адрес: 100011, г. Ташкент, улица Абдулла Қодирий, дом №7в. Тел.: (99871) 241-10-84; факс: (99871) 241-80-00, e-mail: [devon@taqi.uz](mailto:devon@taqi.uz), [taqi\\_atm@edu.uz](mailto:taqi_atm@edu.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского архитектурно-строительного института (зарегистрирован за № 46) (Адрес: 100084, г.Ташкент, улица Малая кольцевая дорога, дом № 7. Тел.: (71) 235-43-40; факс: (998 71) 234-15-11), e-mail: [taqi\\_atm@edu.uz](mailto:taqi_atm@edu.uz).

Автореферат диссертации разослан «30» ноября 2020 года.  
(Реестр протокола рассылка № 10 от «14» ноября 2020 года)



**Х.А. Акрамов**  
Заместитель председателя научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

**Х.Х.Камилов**  
Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

**С.А. Ходжаев**  
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Стремительное развитие мировой строительной индустрии и рост цен на топливо и энергоносители приводят к необходимости создания и внедрения ресурсосберегающих и энергосберегающих технологий в производстве строительных материалов и изделий. В связи с этим использование новых видов экологически чистых материалов в области строительных материалов, эффективное использование энергосберегающих технологий, совершенствование новых строительных материалов и их существующих технологий, тем самым улучшая физико-механические и физико-химические свойства бетона и бетонных смесей. В связи с этим особое внимание уделяется созданию составов бетонов и бетонных смесей, энергосберегающих технологий их производства с химическими добавками на основе местного сырья.

Во всем мире ведутся научно-исследовательские работы по улучшению свойств бетона и бетонных смесей. В связи с этим проводятся множество исследований, направленные на выбор легких заполнителей для производства высококачественного легкого бетона, управление формированием структуры в твердеющем цементном камне с использованием химических и минеральных добавок, оптимизацию состава легкого бетона, улучшение контактной зоны между заполнителем и минеральным вяжущим. В связи с этим имеет особое значение изучение физико-технических свойств легких бетонов, снижение расхода минеральных вяжущих с использованием местного сырья и вторичных ресурсов при их производстве, разработка энергосберегающих технологий.

В Республике осуществляется ряд мероприятий по развитию строительной индустрии, модернизации производства строительных материалов, эффективного использования местного и вторичного сырья в производстве строительных материалов, также за последние годы достигнуты определенные результаты по увеличению объема производства строительных материалов. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы предусматривается "...повышение конкурентноспособности национальной экономики, ...сокращение в экономике энергетических и материальных расходов, широкое внедрение в производство энергосберегающих технологий".<sup>2</sup> и т.д. Одним из важнейших задач в данной сфере является совершенствование технологии производства качественных конструкций и изделий путем использования комплексных полимерно-минеральных химических добавок, полученных на основе местного сырья при производстве легкого бетона и железобетона.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит

<sup>2</sup>Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017г. "О Стратегии действия по дальнейшему развитию Республики Узбекистан".

выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлением Президента Республики Узбекистан от 9 августа 2017 года №ПП-3190 «О мерах по совершенствованию проведения научных исследований в области сейсмологии, сейсмостойкого строительства и сейсмической безопасности населения на территории Республики Узбекистан» и Постановлением Президента Республики Узбекистан от 28 сентября 2016 года № ПП-2615 «О программе мер по дальнейшему развитию строительной индустрии на 2016-2020 годы», а так же других нормативно-правовых документов, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан.** Диссертация выполнена в соответствии с приоритетным направлением программы научных исследований развития науки и технологий республики II. «Энергетика, энергия и ресурсосбережение».

**Степень изученности проблемы.** Научные основы использования химических добавок с целью модификации цементных бетонов в мировом опыте были разработаны такими зарубежными учеными как Ю.М. Баженов, В.Г. Батраков, Л.И. Дворкин, Б.С. Изотов, В.И. Калашников, С.С. Каприелов, В.С. Рамачандран, В.С. Ратинов, В.В. Стольников, Б.Д. Тринкер, А.Б. Ушеров-Маршак, Н.А. Никифоров, Л.И. Касторных, Б.А. Усов, Л.А. Урханова, В.И. Лихотыко и др., которые внесли огромный вклад в исследования данной отрасли.

